

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Наманган ХЭТК” АЖ
ТМБ директор



(Handwritten signature)

Р.Мирзаев

» _____ 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

“Наманган ХЭТК” АЖ

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ ТАСАРРУФИДАГИ 6-10 КВАЛИ ЭЛЕКТР УЗАТИШ ТАРМОКЛАРИДАГИ МАВЖУД КУП ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ИШЛАБ КЕЛАЁТГАН АЖРАТГИЧЛАРНИ ФАВКУЛОТДА ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ УЗ ВАКТИДА БАРТАРАФ ЭТИШ, НОСОЗ АЖРАТГИЧЛАРНИ АЛМАШТИРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ИШЛАРИДА ХОДИМЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ХАМДА 2022 ЙИЛЛАР КУЗ КИШ МАВСУМИНИ БЕТАЛОФАТ УТҚАЗИШ МАКСАДИДА, КУЙДАГИ 6-10 КВЛИ АЖРАТГИЧЛАРНИ ТУЛА ЖОРИЙ, ФАВКУЛОТДА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН КУЙДАГИ ИЛОВАДА КУРСАТИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ НАМАНГАН ШАХАР ХУДУДИГА ЕТҚАЗИБ БЕРУВЧИ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАНИ САРАЛАШ БЎЙИЧА

(объект, иш, хизмат номи)

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

“Наманган ХЭТК” АЖ -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Электр таъминоти корхоналари тасарруфидаги 6-10 кВли электр узатиш тармоқларидаги мавжуд қувват йиллар давомида ишлаб келаётган ажратгичларни фавқулотда шикастланишларни уз вақтида бартараф этиш, носоз ажратгичларни алмаштириш ва эксплуатация ишларида ходимлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда 2022 йиллар куз киш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида, қуйдаги 6-10 кВли ажратгичларни тула жорий, фавқулотда таъмирлаш ишлари учун ишлатиладиган қуйдаги иловада курсатилган материалларини Наманган вилоят Наманган шаҳар ҳудудига етказиб берувчи хизмат кўрсатувчи корхонани саралаш бўйича

1.2. Танлов охириги қиймати – жами кўрсатилган хизмат учун иловада курсатилган. Танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами маҳсулотини етказиб бериш билан 399 800 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 365 кун.

1.5. Махсус кийим тикиш ва тайёрлаб бериш хизмат кўрсатувчи ҳисобидан.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Наманган ХЭТК” АЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Маргилон кучаси 8-уй.

Эл.адрес: МТТБ Umal@uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Наманган ХЭТК” АЖ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми
(50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка бинноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган бәрча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизмати) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Таъловога таъдим этиладиган хужжатлар руйхати

1. Ушбу таълов хужжатларига кафолат хати. (ф-2)
2. Таълов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (ф-3).
3. Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
4. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тугрисида маълумот.
5. Молиявий курсаткичлари
6. Мазкур соҳада бажарилган ишлар буйича камида 1 йиллик иш тажрибаси тугрисида маълумот.
7. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тугрисида маълумот (5-10 йиллик стажлар ижобий қаралади)
8. Тижорий таклифларни баҳолаш (хизматлар нархи система томонидан)

ИШТИРОКЧИ МАХСУС БЛАНКАСИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси раисига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу оркали шунини маълум қиламизки, _____ (корона номи)

- Тугатилган, қайта ташкил этиш ёки банкротлик ёрасида эмаслиги;
- Суд ёки арбитраж муҳокамалари ҳолатида эмаслиги;
- Муқаддам тузилган шартномалар доирасида мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида эмаслиги;
- Иш хақи, солиқ ва бошқа давлат мажбурий туловларидан муддати утган қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбар: _____ (ф.и.о) _____

Бош ҳисобчи _____ (ф.и.о) _____

Ҳуқуқшунос _____ (ф.и.о) _____

Шитирокчи тугрисида тулик умумий маълумотлара

1	Юридик ташкилотнинг туликноми, ташкилий хукукий формаси кураатилган холда	
2	Давлат руйхатидан утганлик тугрисида гувохнома (санаси, руйхатдан утганлик раками, руйхатдан утказилган орган номи)	
3	Юридик манзили	
4	Контакт телефон, факс, e-mail	
5	Банк реквизитлари	
6	Асосий фаолият тури	

Талаб килинаётган ёки ухшаш турдаги хизматларни бажариш тажрибаси тугрисида маълумот

№	Хизматлар номи	Буюртмачи номи ва манзили, раками, телефон	Бажарилган санаси, суммаси	Изох

_____ (ваколатли шахсимзоси)

_____ (ваколатли шахсф.и.о, лавозими)

Сана: «__» _____ 20__ й.

Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жihatдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

Танлов таклифларини ҳамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш
КРИТЕРИЙЛАРИ

№	Критерийларноми, мазмуни	Форма	Энгюкори балл	% хисобид а
1.	Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати (форма №2)	Форма №2	3	90%
2.	Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (форма №3)	Форма №3	3	
3.	Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари		4	
4.	Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисошлаган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.		20	
5.	Молиявий курсаткичлари		10	
6.	Охириги йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилганиш тажрибаси.		10	
7.	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи		10	
8.	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)			10 %

Махсус кийим тикиш ва тайёрлаб бериш хизматини амалга оширишда керакли махсулотлар.

№	Мазмуни	Улчов бирлиги	Микдори
1.	Разъединитель РЛНД-10/630 А	дона	100
2.	Изолятор ПНБ 10/630 А	дона	600